

“Кишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди

04

PDF Compressor Free Version

Жаҳон банки Ўзбекистон кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш учун 500 млн доллар ажратади

06

Президент плантация шаклида интенсив боғлар барпо этиб, аҳолига 1-1,5 гектардан тарқатиш бўйича топширик берди

07

IFODA

Birgalikda yetishtiramiz!

“Бу мавсумда 100 центнердан хирмон кўтардик”

10

#4 | 09-10•2020

АГРОЖУРНАЛ

www.ifoda.uz/magazine



PDF Compressor Free Version
**IFO SEED – ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ
ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ!**



Маслаҳат маркази / call center:

78 147 05 00

www.ifoda.uz
tme/ ifodaagroconsulting



1 **ifodamagic** иловасини
юклар олинг



Ўрнатинг ва
ишга туширинг
ifodamagic



2

Мобил қурилмангиз камерасини
фотосуратга йўналтиринг
ва томоша қилинг



Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Сентябрь — октябрь 2020 йил
4 - сон

Журнал таъсисчиси:

"Ifoda Agro Kimyo Himoya"
масъулияти чекланган жамияти

Бош директор:

Қодирбек Мирзамаҳмудов

Бош муҳаррир:

Муҳаммет Седат Колжуволу

Таҳрир ҳайъати:

Бобур Миразизов
Фазлиддин Ибрагимов
Элёр Убайдуллаев
Эрали Норбеков
Сардорбек Хайдаров
Дилафруз Шамсиддинова

Фотосуратчи:

Абзал Аскарлов

Ташкиллаштирувчи масъул:

Аброр Раҳмонқулов

Саҳифаловчи дизайнер:

Хамза Жумандурдиев

Агрономлар:

Алишер Маматвалиев
Дилшод Жўраев
Икром Жўраев
Женгиз Ялчин
Аҳмет Сунар
Хакан Накиш

Маслаҳатчилар:

Дониёрбек Муллабаев
Дилафруз Шамсиддинова

Агроном консультант:

Муҳаммет Седат Колжуволу







Манзил:

Наманган шаҳар
Оромгоҳ қўчаси 27
+998 78 147-05-00
info@ifoda.uz
@ifodaagroconsulting
www.ifoda.uz

Мундарижа:

- 04 "Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди"
- 06 Жаҳон банки Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш учун 500 млн доллар ажратади
- 07 Президент плантация шаклида интенсив боғлар барпо этиб, аҳолига 1-1,5 гектардан тарқатиш бўйича топшириқ берди
- 08 "Ifoda" билан ғалладан юқори хирмон қўтараётганлар
- 10 "Бу мавсумда 100 центнердан хирмон қўтардик"
- 12 "Йилдан-йилга ҳосилни ошириб келяпмиз"
- 14 "Ҳамкорларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда"
- 16 2,5 мингга яқин фермерларга хизмат кўрсатаётган агроном
- 18 Иссиқхонада экинни экишдан олдин ва экиш вақтида эътибор қилиниши керак бўлган тавсиялар
- 20 Уруғчиликда ўғитлашнинг аҳамияти!
- 21 Бугдойда ўғитлашнинг афзалликлари
- 22 Заминимиз шифокорлари
- 24 Бугдойда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш
- 26 Бугдойда касаллик ва зараркунандалар, илдиз ва бўғиз чириши
- 36 Иссиқхоналарда феромоннинг қўлланилиши
- 40 Биз учун энг муҳими — харидор ишончи
- 44 Бугдойни ўғитлаш дастури

БИЗНИ РАСМИЙ САЙТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИБ БОРИНГ!




Диққат! Мўжизавий тасвир!



Энди сиз журналимиздаги баъзи суратларни жонлантиришингиз мумкин.


Бунинг учун сиз:

- 1) Мобил қурилмангизга "ifodamagic" иловасини юклаб оласиз ва ишга туширасиз.
- 2) Илова орқали телефон камерасини фото суратга йўналтирасиз.



1 **ifodamagic** иловасини юклаб олинг 

Ўрнатинг ва ишга туширинг **ifodamagic**  

2 Мобил қурилмангиз камерасини фотосуратга йўналтиринг ва томоша қилинг 



Ассалому алайкум, қадрли деҳқон ва фермерлар!

Авваломбор, мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан барчангизни самимий табриклайман. Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака ва мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламан.

Барчангиз яхши биласиз, бу мавсум сизлар учун ҳар йилгидан - да анча мураккаб, қийин бўлди. Бир томондан қиш фасли ўз ўрнида келмай, зарарку-нанда ва ҳашаротларнинг авж олишига замин яратган бўлса, яна бир тарафдан эрта баҳордан ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўлиб, турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Бундан ташқари юртимизда пандемия даври бошланиши ҳам қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Бироқ шунга қарамай, Сиз - азиз миришкорлар белингизни маҳкам боғлаб, ҳамма уйда ўтирган вақтда сиз даладан бери келмаганингиз, тинимсиз меҳнат қилиб, халқимизнинг ризқ-насибаси учун тер тўкканингиз таҳсинга лойиқ. Албатта бу борада сизлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганимиздан хурсандимиз.

Шу ўринда айтмасам бўлмайди, кўп-

гина оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, радио, телевидени-ялар мана шундай мураккаб пандемия шароитида шифокорлар, Ички ишлар ходимлари ва Миллий гвардия хизматчиларини “қаҳрамон” дея аташди. Албатта, бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо айтмоқчиманки, сизларнинг қўшган ҳиссангиз уларникидан ортиқ бўлса борки, ҳеч кам эмас. Бунинг учун барчангизга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Мана, бу йилги ғалла ўрим-йиғимини ҳам муваффақиятли якунлаб олдик. Нокамтарликка йўйманг-у, ҳар йили биз билан ҳамкорликда ишлаб, биргаликда етиштириб келаётган ғаллакорларимиз баракали ҳосил кўтариб келмоқда. Хусусан, бу мавсумда Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Умрзаков Жаҳонгир” Учқўрғон туманидаги “Ботиржон-Бобурбек” Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги “Пахтакор-Алпомиш” фермер хўжаликлари ва бошқа вилоятлардаги яна кўплаб хўжаликлар нақ 100 центнердан хирмон кўтаришди. Бу ҳақида расмий сайт ва ижтимоий тармоқларимиз орқали

ҳамда журналимизнинг мазкур сониди ҳам ўқишингиз мумкин.

Таъкидлашим керак, бу каби ютуқлар нафақат сиз ва бизнинг, балки, бутун халқимизнинг муваффақиятидир. Шундай экан компаниямиз доим деҳқон ва фермерлар хизматига шай. Аввал ҳам айтганман, компаниямизда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган тажрибали агрономлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари бор. Сўнгги пайтларда инсониятга ҳали маълум бўлмаган янги касалликлар пайдо бўлмоқда. Хавфли зараркундалар кенг тарқалмоқда. Буларни ўз вақтида аниқлаш ва қарши курашишни фақатгина биргаликда, ҳамкорликда олиб боришимиз мумкин. Бу йўлда эса, сизнинг ишончингиз биз учун муҳим.

Фурсатдан фойдаланиб, эпидемиологик вазиятга қарамай, деҳқон ва фермерларга сифатли хизмат кўрсатиб келаётган жойлардаги агрономларимиз, менежерларимиз, умуман барча ишчи-ходимларимизга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Хонадонингиз тинч, дастурхонингиз тўкин бўлсин. Яна бир бор Мустақиллик байрами муборак бўлсин!

Ҳурмат билан
Қодирбек Мирзамаҳмудов,
“Ifoda Agro Kimyo Himoya” МЧЖ Бош
директори.

PDF Compressor Free Version

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЛМ БИЛАН ҚИЛМАСАК, ХАРАЖАТЛАРИМИЗ НАТИЖА БЕРМАЙДИ”

Ш. Мирзиёев



Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 6 август куну Жаҳон банки иштирокида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди

Мазкур йиғилишда Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президент кўрсатмасига мувофиқ, лойиҳаларни ишлаб чиқишда фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият

қаратилган. Хусусан, жалб қилинаётган маблағнинг 87 миллион доллари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 10та илмий-тадқиқот муассасаси, 4та ихтисослашган марказ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга ажратилади.

Шунингдек, 70 миллион доллар кўчатлар етказиб бериш, фитосанита-

рия, геоахборот ва сертификатлаш хизматларини кўрсатадиган агрохизмат марказларини ташкил этишга йўналтирилади. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш учун берилаётган 10 миллион доллар ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ таркиби таҳлили, зарур минерал ўғитлар тури ва миқдори, солиқ, транспорт-логистика

ва маҳсулотлар бозорларида маълумотлар олиш имкони яратилади.

Йиғилишда сув хўжалиги, чорвачилик, карантин, кадастр, молия, солиқ ва бошқа тегишли идоралар маълумотлар базасини ушбу тизимга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига илмий-тадқиқот муассасалари ва ихтисослашган марказларни Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида жойлаштириб, лаборатория ускуналари ва техникалар билан таъминлаш, вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги коллежлари негизида уларнинг филиалларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ушбу муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, хориждан консултантлар жалб қилиб, уларни ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат раҳбари ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ва марказ илмий ишланмаларини сотадиган тижорат ташкилотига айланиши зарурлигини таъкидлади.

«Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа



асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилади», – деди Шавкат Мирзиёев.

Кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга мўлжалланган 200 миллион доллар ҳудудлар ўртасида тақсимланган. Бундан

миллион доллар маблағ ажратилган.

Президент ажратилаётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш, имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Интенсив боғ майдонларини кенгайтиришга 65 миллион доллар йўналтириш белгиланган. Хусусан, бунинг ҳисобидан Тошкент вилоятида 500 гектар, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Самарқандда 300 гектардан, Жиззахда 250 гектар, Қашқадарё ҳамда Сурхондарёда 200 гектардан, Қорақалпоғистонда 100 гектар майдонда янги усулдаги интенсив боғлар яратилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга қисқа муддатда ерларни ажратиб, келгуси йил баҳорда боғларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди.

Яна 65 миллион доллар эвазига замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимлари жалб қилинаётган маблағлар ўзлаштирилишини лойиҳалар кесимида тақдимот қилди ҳамда ишни ташкил қилиш режалари бўйича ахборот берди.



бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак. Пировард маррамиз – экспорт. Илмий

ташқари, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан Фарғона водийси учун қўшимча 54 миллион доллар ҳамда Хоразм вилоятига 100

Манба: Kun.uz

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН 500 МЛН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

11 август куни президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор билан Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган лойиҳанинг устувор йўналишлари, маблағдан фойдаланиш схемаси ва тартиблари белгилаб берилган.

Унга кўра, умумий қиймати 659,3 млн АҚШ доллари тенг ва 6 йилга (2020–2026 йиллар) мўлжалланган ушбу лойиҳага Жаҳон банки томонидан 30 йил муддатга бир нечта шартлар асосида жами 500 млн доллар миқдоридан маблағ ажратилади.

Белгиланишича, лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг улуши – 159,3 млн АҚШ долларини, шу жумладан,

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш – 124,3 млн АҚШ долларини ташкил қилади.

Ажратиладиган маблағлар қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда «Даладан истеъмолгача» тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфраструктурани яратиш, ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш ва шу каби бошқа мақсадларга йўналтирилади.



Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинлари учун генетик банк яратилади

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хабарига кўра, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўсимликлар турларининг миллий генетика банки яратилади.

Хабарда таъкидланишича, Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш, келгусида генетик ресурсларимизни сақлаб қолиш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳаллий навларини кенгроқ ўрганиш ҳамда муҳофаза этиш чораларини кучайтириш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистоннинг халқаро дастурларда фаол иштирокини таъминлаш ва соҳага халқаро етук мутахассисларни жалб этиш эҳтиёжи юқори. Шу боис БМТ томонидан илгари сурилган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги генетик ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро битимни ратификация қилиш чораларини кўриш талаб этилади.

PDF Compressor Free Version

ПРЕЗИДЕНТ ПЛАНТАЦИЯ ШАКЛИДА ИНТЕНСИВ БОҒЛАР БАРПО ЭТИБ, АҲОЛИГА 1-1,5 ГЕКТАРДАН ТАРҚАТИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 23 июль кuni видеоселектор йиғилиши ўтказди. Унда қишлоқ ва сув хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бир неча масалалар муҳокама қилинган. Шу қаторда туманларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу борада Жиззах вилояти намуна бўлиб, келгуси уч йилда вилоятда қарийб 120 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилиши, боғ ва токзорлар ташкил қилиниб, мойли экинлар экилиши режалаштирилган.

Бу тажрибани босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий қилиш, ҳар бир туманда кўпи билан 3-4та экспорт-

бop ва юқори даромад берувчи маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

2021 йил якунигача 3 минг гектарда плантация шаклида интенсив боғлар барпо этиб, янги тартиб асосида аҳолига 1-1,5 гектардан тарқатган ҳолда, 2-2,5 минг оиланинг бандлигини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

«Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва соҳада бозор иқтисодиётини кенг жорий этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилган. Уларнинг ижроси мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига, энг асосийси, халқимизнинг кайфияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатадиган жуда муҳим масала», – деди Шавкат Мирзиёев.



PDF Compressor Free Version

“IFODA” БИЛАН ҒАЛЛАДАН ЮҚОРИ ХИРМОН КЎТАРАЁТГАНЛАР



Кўриб турганингиз Наманган вилояти Чуст тумани “Шаҳноза Нишонова” фермер хўжалигига қарашли 30 гектарли ғалла майдони. Худуд агрономининг таъкидлашича, ушбу фермер Ифода компанияси билан фаол ҳамкорлик қилиб келади. Уруғни ерга қадашдан то ҳозирга қадар агроном Дағарали Рустамов ўсимликни озиклантириш, зарарли ҳашарот ва касалликларга қарши курашиш бўйича барча зарур тавсияларини берган. Бу мавсум баҳор ойининг анча серёгин келганлиги боис “занг касаллиги авж олиши мумкин” дея бироз ҳадикда эди фермер. Бироқ айтиш мумкинки, самарали ҳамкорлик эвазига бу касаллик ҳам кузатилмади. Айтиш пайтда эса ғалла ўримига тайёр ва бу ердан анчагина баракали хирмон кўтариш мумкин.

Наманганлик фермер Дониёржон Исмоилов салкам 15 йилдирки, ер билан тиллашиб, деҳқончиликнинг барча сир-синоатини пухта ўзлаштирган. Меҳнатнинг машаққати, қийинчиликларини яхши тушунадиган, ҳар бир ишни тадбиркорлик, омилкорлик билан олиб борадиган инсон. Унинг раҳбарлигидаги “Умрзаков Жаҳонгир” фермер хўжалиги ғалла ҳосилдорлигини йилдан-йилга ошириб, эл-юрт хирмониغا муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу мавсумда Дониёр ака 100 центнер ҳосил олишни чамалаб турибди. Ҳозирги унинг ғалла майдонини кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.



Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги “Ботиржон Бобирбек” фермер хўжалиги ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ шу вақт мобайнида Ифода компанияси билан ҳамкорлик қилиб, йилдан-йилга ҳосилни ошириб келмоқдалар. Ушбу хўжалик ҳам бу мавсумда 100 центнер ҳосил олишни кўзлаб турибди.



Ғулломжон Бегматов, “Ботиржон Бобирбек” ф/х раҳбари: – Мана шу даламизга уруғни ерга қадаганимиздан бошлаб 5 этапда ишлов ўтказдик. Барчаси самарали бўлди. Энг муҳим жиҳати уруғлик донни дориллаб экишда экан. Ўсимлик бирор касалликка чалингани йўқ, 100 фоиз униб чиқди. Бундан ташқари озиклантирувчи, турли касалликка ва зараркунандаларга қарши қўллаган препаратларимиз ҳам самарали бўлди.

Жиззах вилояти Қизилтепа туманидаги “Алпомиш” фермер хўжалигига қарашли ғалла майдонига ҳадемай комбайн оралайди. Хўжалик раҳбари Ёқубжон Эрназаровнинг ҳосилдан кўнгли тўқ. Бу йил ҳар йилгиданда баракали, мўл ва сифатли хирмон кўтаришига ишончи комил. Фермернинг ўзидан сўрасангиз, ҳеч иккиланмай 90-100 центнердан ҳосил қутаётганлигини айтади. Далани кўздан кечириб, ғалланинг зичлиги, унинг бошоқларига эътибор берсангиз бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

“Пахтакор-Алпомиш” фермер хўжалиги 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, умумий ер майдони 82 гектар. Шундан 48 гектари ғалла, қолгани эса пахта майдонлари. Бу мавсумда ғалла 7-8 мартаба суспензия қўлинган. Айниқса, бегона ўтларга қарши ўз вақтида курашилган.



Малакали ва тажрибали агроном мутахассислар томонидан экин майдонлари доимий назорат қилинади. Мавсум мобайнида фермер ва деҳқонлар ёнида туриб, барча зарур кўрсатма ҳамда тавсияларини бериб боришади. Ҳосил чўғи қанча кўп бўлса, албатта улар ҳам шунча хурсанд бўлишади. Компаниянинг мақсади ҳам шу: юқори, сифатли ва мўл ҳосилни биргаликда етиштириш орқали эл хирмониغا ҳисса қўшиш.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Кенг Дунё” фермер хўжалиги Ифода компанияси билан ҳамкорлик қилаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу мавсумда хўжаликнинг ғалла майдонлари тажриба синов тариқасида кимёвий ишловлар амалга оширилди. Фермер хўжалик раҳбари Раҳматилла Нўмоновнинг таъкидлашича, тажриба ўзини оқлаган. Ғалладан 90 центнердан ҳосил олиб, хирмон кўтармоқда. Айтиш мумкинки, бундай ҳосилга эришиш учун “Ифода”нинг тажрибали агрономлари билан биргаликда ҳаракат қилган, кимёвий ишловларни ўз вақтида олиб борган. Ғаллани озиклантириш, айниқса, уруғни дорилаб экишга алоҳида эътибор қаратган. Сабаби уруғлик дон дорилаб экилгани учун 100 фоиз ниҳол униб чиқишига, тупланишини яхшилашга ёрдам берган. Натижада эса, ҳосилдорликнинг ортишига олиб келган.



Сурхондарё вилояти Узун туманидаги “Саид Нур Ориф” фермер хўжалиги Ифоданинг доимий ҳамкори ҳисобланади. Хўжаликка қарашли мазкур 23 гектарли ғалла майдонида ўрим ишлари бошлаб юборилган. Айтишларича, бу йилги ҳосилдорлик ҳар йилгиданда мўл ва сифатли бўлмоқда. Бунинг учун ғалла уруғи дастлаб IFO SEED стимулятори билан дорилаб экилган. Эрта баҳорда эса, об-ҳаво серёғин бўлгани учун занг касаллигининг олдини олиш мақсадида фунгицидлардан TOP KROP кимёвий воситасидан гектар ҳисобида 200-250 гр дан қўлланилган. Шунингдек, мавсум давомида озиклантирувчи, касаллик ва зараркунандаларга қарши бошқа препаратлар билан ҳам ишлов ўтказилган. Агроном Гулсара Холбоева бу майдонда стимуляторлар яхши таъсир кўрсатгани, ғалла яхши ривожлангани ва бошоқлар бўлиққина бўлганини таъкидлайди.

PDF Compressor Free Version



“БУ МАВСУМДА 100 ЦЕНТНЕРДАН ХИРМОН



PDF Compressor Free Version

КҮТАРДИК”

да вужудга келган эпидемиологик вазият ва карантин чекловларига қарамай, ғаллакорларимиз ҳосилни нест-нобуд қилмай омборларга жойлаб олдилар. Қилган меҳнати, тадбиркорлиги, омилкорлигига қараб кимдир 50 центнер, кимдир эса, 60–70, борингки ана 80 центнердан хирмон кўтарди. Аммо Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Умрзаков Жаҳонгир” фермер хўжалиги раҳбари Дониёржон Исмоилов бу мавсумда оз эмас, кўп эмас нақ 100 центнердан ҳосил олди. Албатта бу рақамни айтиш фақат оғиздагина осон, бироқ бунинг меҳнати, машаққати эса ёлғиз деҳқоннинг ўзига аён.

Дониёр ака салкам 15 йилдирки, фермерлик билан шуғулланиб келади. Шу вақт мобайнида деҳқончиликнинг барча сир-синаотини пухта ўзлаштирган, унинг қийинчиликлари, оғирликларини яхши тушунадиган инсон. Муболағага йўймасангиз айтмиз, бу каби миришкорларни “ернинг ҳақиқий илмдори” деб аташ мумкин. Сабабки, ҳар йили пахта дейсизми, ғалла дейсизми, хуллас, ҳосилдорлик учун белгиланган режани ортиги билан бажариб, эл-юрт хирмонига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг ғалла майдонини кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Ғалла бўйлари етилган, ҳар бир бошоқ бўйлиққина, энг муҳими ҳосил серунум. Ҳатто далада бирор бегона ўт бўйлаганини учратмайсиз. Бунинг сабабини фермер қуйидагича изоҳлайди:

— Кўпчилик ҳосилнинг яхши бўлиши об-ҳавога, яъни мавсумнинг қандай келишига боғлиқ дейишади. Тўғри, бу гапда ҳам жон бор, лекин кўп қовуштириб ўтирмасдан тинимсиз меҳнат, ҳаракат қилиш, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида ва меъёрида олиб бориш, қолаверса, касаллик ҳамда зараркунандаларни вақтида аниқлаб, уларга қарши керакли чораларни кўриш орқали ҳам сифатли ва самарали ҳосилдорликка эришиш мумкин. Албатта бунинг учун тажрибали, малакали агроном мутахассисларга эҳтиёж туғилади.

Бу борада Ифода компанияси билан бир неча йиллардан бери ҳамкорликни ўйлаб кўйганмиз. Мана шу сиз кўриб турган 18 гектарли далада ҳам буғдой эклишидан то пишиб етилгунгача бўлган даврда Ифода билан биргаликда ишлаганмиз.

Фермернинг таъкидлашича, буғдой уруғини ерга қадашдан олдин IFO SEED препарати билан яхшилаб ишлов ўтказилган. Бу уруғнинг яхши ва тўлиқ униб чиқиши, турли касаллик ҳамда стресс ҳолатларининг олдини олишда катта ёрдам берган. Шундан сўнг эрта баҳорда озиклантириш мақсадида IFO PZN, IFO UAN-32 ва ВЛ-77 препаратларини қўллашган. Бундан ташқари бегона ўтларга қарши ENTOSTAR, ENTOPIK кимёвий воситаларидан фойдаланишган. Шунингдек, занг касаллигига қарши TOP KROP препаратидан ишлатишган. Стимуляторлардан эса IFO GUMATE PLUS воситасини қўллашган.

— Ифода агрономи Отабек ака ҳар 10–15 кун оралатиб даламизга келади. Ўсимлик аҳволини, ҳолатини кўради, ўргангани, — дейди фермер Д. Исмоилов. — Қандай касаллик ёки зараркунанда учраши кузатиляпти, уларга қарши қандай ишловлар ўтказиш керак ёки қандай озиклантирувчи воситаларни бериб бориш лозим, буларнинг ҳаммаси ҳақида аниқ тавсияларини бериб келади. Ҳам мушкулумиз осон бўляпти, ҳам юқори ҳосилдорликка эришиб келяпмиз. Албатта биз бундан жудаям хурсандмиз.

Деҳқоннинг розилиги ортида элнинг хурсандчилиги ётади. Албатта бу гап замирида чуқур маъно бор. Негаки, ҳосил мўл, баракали бўлсагина миришкор хурсанд бўлади. Қилган меҳнатидан, ўтаётган умридан рози бўлади. Ҳосилдорлик кўп бўлса, халқимиз ризқ-насибаси ошади, бозорларда арзончилик кузатилади. Аслида Республикамызда Дониёр акадек юқори ҳосилга эришиб келаётган, шу орқали юрт фаровонлиги, эл хирмонига катта ҳисса қўшаётган деҳқон ва миришкорларимиз талайгина. Уларнинг барчасига ҳосиллари мўл бўлиб, халқимизга барака ёғилаверишини тилаб қоламиз.

Эрали НОРБЕКОВ

“ЙИЛДАН-ЙИЛГА ҲОСИЛНИ ОШИРИБ КЕЛЯПМИЗ”

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги “Косон” фермер хўжалиги кўп йиллардан буён Ифода компанияси билан ҳамкорликда ғалла етиштириб келади. Ҳар бир агротехникани олиб боришда компания агрономларининг маслаҳати билан керакли препаратларни қўллаб, самарали ҳосил етиштириб келмоқда. Бу йилги ҳосил ҳам ёмон бўлмади. “Насиб қилса, 80 центнердан оширамиз” дейди хўжалик раҳбари Дўстёр Мавлонов. Шунингдек, фермер Ифода компанияси билан ишлаб, йилдан-йилга ҳосилини ошириб келаётганини таъкидлади. Бу мавсумда ҳам 5-10 центнер юқори ҳосил олиш кутилмоқда.



ENTO MICRO

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР АРАЛАШМАСИ



Кафолатланган таркиби:

| Кафолатланган таркиби: | % |
|------------------------|-------|
| Умумий Бор (B) | 0,8% |
| Умумий Мис (Cu) | 0,5% |
| Умумий Темир (Fe) | 5% |
| Умумий Марганец (Mn) | 4% |
| Умумий молибден (Mo) | 0,10% |
| Умумий Рух (Zn) | 7% |

| Экин тури | Қўллаш муддати | Япроқ орқали | Томчилаб суғориш билан |
|--|--|---------------------------------------|------------------------|
| Сабзавотлар (Помидор, Қалампир, Бақлажон, Қовчун) | Кўчатлар экилганда | 50-100 г/100 литр сув | 5 кг/га |
| | Илк гуллаш даврида | 50-100 г/100 литр сув | 5 кг/га |
| | Илк мева ҳосил бўлгандан сўнг | 200-250 г/100 литр сув | 10 кг/га |
| Сабзавотлар (Помидор, Қалампир, Бақлажон, Қовчун) | Ниҳол даврида | Етарли миқдордаги сувга 1 кг / га | |
| | Экинлар 3-5 барг бўлганда | Етарли миқдордаги сувга 2 кг / га | |
| | Илк мева ҳосил бўлгандан кейин 20 кун оралатиб 2 марта | Етарли миқдордаги сувга 2.5 кг / га | |
| Маккажўхори, арпа, буғдой | Экинлар 20-40 см бўлганда | Етарли миқдордаги сувга 1 кг / га | |
| | Уч попуклари чиққанда | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | |
| | 3-5 барг бўлганда | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | |
| Қанд лавлаги, сабзи, турп | Туплаш даврида гербицид билан биргаликда | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | |
| | 3-5 барг даврида | Етарли миқдордаги сувга 1-1.5 кг / га | |
| Бог | Қуртак чиқарганда | Етарли миқдордаги сувга 2.5 кг / га | |
| | Гул ушлаганда | Етарли миқдордаги сувга 2.5 кг / га | |
| | Гул ушлагандан 15 кун сўнг | Етарли миқдордаги сувга 1.5-2 кг / га | |
| Цитрус мевалар | Мевалар пишишга киришдан олдин | Етарли миқдордаги сувга 1.5-2 кг / га | |
| | Гуллаш даврида | Етарли миқдордаги сувга 1.5-2 кг / га | 3 кг/га |
| | Мевалар ёнғоқ катталигида бўлганда | Етарли миқдордаги сувга 1.5-2 кг / га | 3 кг/га |
| Мевали дарактлар (Олма, Гилос, Шафтоли, Нок, Беҳи, Урик) | Гуллаш даврида 1 мартаба | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | 1 кг/га |
| | Мевалар пайдо бўлганда 2 мартаба | Етарли миқдордаги сувга 2-2.5 кг / га | 1 кг/га |
| Пахта | 3-5 барг даврида | Етарли миқдордаги сувга 1 кг / га | |
| | Шоғалаш даврида | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | |
| | Гул даврида | Етарли миқдордаги сувга 1.5 кг / га | |

ENTO MICRO ўғити нима мақсадда қўлланилади?

Ушбу ўғит тупроқ ва япроқ орқали қўлланила оладиган ва сувда яхши эрувчи ўсимлик учун зарур озиқ моддалари аралашмасидир. Таркибидаги элементлар дарҳол ўзлаштириладиган ҳолатда бўлиб, экинлар томонидан тез ва осон ўзлаштирилади. Ўғит таркибидаги Бор моддаси эса жуда тез эрувчанлик хусусиятига эга. Мутахассисларнинг илмий изланишларига кўра, тупроққа кўп ўғит солиш ўсимлик кўп ўғит ўзлаштиришини билдирмайди. Аксинча, ўсимлик тупроқдан керакли барча элементларни бир-бирига мутаносиб шаклда олади. Яъни тупроқда ўсимлик учун зарур барча элементларнинг биттаси 50% миқдорда бор, қолган озуқа элементлари етарли бўлса-да, ўсимлик барча элементларнинг 50% ини ололади холос. ENTO MICRO ўғити эса ўсимлик ўзлаштириши учун мукамал таркибга эга.



78 147 05 00

@ifodaagroconsulting

www.ifoda.uz

"Ifoda" янгиликлари

PDF Compressor Free Version

"ҲАМКОРЛАРИМИЗ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА"



Дилмурод Сафаров

"IFODA" Компаниянинг Тошкент вилоят бўйича бош менежери



Тошкент вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти ва сўлим гўшалари билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турини учратиш мумкин. Пахта, ғалла дейсизми, полиз маҳсулотларидан тарвуз, қовун, картошка, боғдорчилик маҳсулотлари, олма, анор, узум, хуллас, барча турдаги мева-сабзавотлар етиштирилади. Ифода компаниясининг Тошкент вилояти филиаллари ҳам мана шундай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Компаниянинг вилоят бўйича бош менежери Дилмурод Сапаров ҳудуддаги деҳқон ва фермерларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Дилмурод ака қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга, кўп йиллар Шолчилик илмий-тадқиқот институтида турли лавозимларда фаолият юритган. Ифода компаниясида дастлаб дилер сифатида, сўнгра 2008 йилдан расмий Ўрта Чирчиқ савдо шаҳобчаси менежери сифатида иш бошлаган. Кейинчалик компаниянинг "Агробизнесни ривожлантириш бўлими"да ҳам фаолият юритиб, бир нечта истиқболли лойиҳаларни амалга оширган. 2014 йилдан эса, Тошкент вилоятининг ҳудудий Бош менежери лавозимида ишлаб келмоқда.

— Вилоятимизда қишлоқ хўжалигига мослашган туманларда 7 та савдо шаҳобчалари мавжуд, — дейди Д. Сапаров. — 1500 дан ортиқ фермер хўжаликларига, қолаверса, бир қанча кластерларга хизмат кўрсатиб келяпмиз. Асосий вазифамиз ишни тўғри ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларига сифатли ҳамда тезкор агро хизмат кўрсатиш, янги мижозлар топиш, туманлардаги савдо шаҳобчалари ишини мувофиқлаштириб бориш ва бошқа савдо ишлари. Шукр, савдо режа кўрсаткичларимиз яхши, харидорларимиз ҳам етарли даражада. Бироқ яна янги мижозлар топиш ҳаракатидамиз.

Вилоятдаги фермерлар, асосан, стимуляторлар, зараркунандаларга қарши кимёвий воситалардан харид қилишади. Сабаби ҳудудда зарарли ҳашаротлар, хусусан, илдиз қурти, кўсак қурти, шира, трипс, ўргимчаккана каби зараркунандалар кенг тарқалган. Шунингдек, бу ердаги кўпгина фермер хўжаликлари ҳосилга ҳосил қўшиб, юқори даромад топиб келишмоқда. Масалан, "Мадониз", "Турон", "Истиқлол", "Бектемир Нур Агро" фермер хўжаликлари, "Примо Верде", "Лео Гарден", "Эко Агро Продукт" боғдорчилик хўжаликлари доимий ҳамкорлик қилиб, ҳосилдорлигини ошириб келмоқда. Аслида бундай хўжаликлар вилоятда кўплаб топилади.

— Асосий мижозларимиз пахтачилик, ғаллачилик билан шуғулланувчи фермерлар эди, бироқ боғдорчилик билан шуғулланувчилар ҳам секин - аста кўпаймоқда, — дейди менежер Дилмурод Сапаров. — Ҳар йили деҳқон ва фермерлар учун амалий семинарлар, учрашувлар, кўргазмали дала ўқув машғулотилари ўтказамиз. Маҳсулотларимиз фойдасини, қайси касаллик ёки зараркунандага қайси препаратни қўллаш керак, қандай озиклантириш керак, ҳосилни ошириш учун нима қилиш керак буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил тушунтирамиз. Шунинг учун ҳам ҳамкорларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Тошкент вилоятида бу мавсумда ғалладан юқори ҳосил кўтарганлар, хусусан, 100 центнерлик хирмон уйганлар кўп бўлди. Эндиги навбат эса, пахта ҳосилига келди. Насиб қилса, пахтадан ҳам юқори ҳосил оладиганлар сони ортишига умид қиламиз.

PDF Compressor Free Version

2,5 МИНГГА ЯҚИН ФЕРМЕРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН АГРОНОМ

Ифода компаниясининг ҳудудий агрономлари жойлардаги деҳқон ва фермерлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида иш юритиб, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш, улардаги касаллик ва зараркунандаларни аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб берадилар. Шунингдек, агрономларнинг ўзлари экин далаларига чиқиб, ўсимликнинг айна ҳолатини кўздан кечириб, зарур ишловлар ўтказиш борасида ўз тавсияларини берадилар.

Компаниянинг мана шундай тажрибали, узоқ йиллардан бери муваффақиятли фаолият юритиб келаётган мутахассислардан бири Сурхондарё вилояти агрономи Гулсара Холбаевадир. Гулсара опа самимий, камтарин, ўз соҳасини пухта биладиган, меҳнатсевар инсон. Агрономлик соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга. Ифода компаниясида эса 2008 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Масъулият борасида унга тенг келадигани йўқ. Бир ишни режа қилдими, албатта, улдасидан чиқмагунча тинчимайди. Ҳа-я дарвоқе, Гулсара опа компания таркибидаги ягона аёл агроном.

— Вилоятимизда 2,5 мингга яқин фермер хўжалиги, 5 та кластер билан ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди Г. Холбаева. — Фермерларимизга астойдил ёрдам беришга интиламан. Барча фермерлар биз билан ишладан ҳурсанд. Исталган пайт менга мурожаат қилишади, бораман, кўраман, экинларда қандайдир муаммо кузатилса, ўз маслаҳатларимни бераман. Ҳар куни уйдан соат 6:00 да чиқаман. Кунига ўртача 10–15 та, баъзан эса, 20 тагача фермерлар даласига борамиз. Ҳар битта фермерга бориб, уларнинг муаммосини эшитиб, кўзимиз билан кўриб ўша жойнинг ўзида муаммонинг ечимини ҳам айтиб кетамиз. Қандай ишлов ўтказиш керак, қайси препаратларни, қанча миқдорда қўллаш керак бу бўйича тавсия бериб ке



Гулсара Холбаева

“IFODA” Компаниянинг Сурхондарё вилояти бўйича бош менежери

тамиз. Кейин бир ҳафтадан сўнг яна қайта бориб натижасини кўрамиз.

Сурхондарё воҳаси иқлим шароитида асосий битта муаммо бор. Экин яхши ривожланиб, ҳосилга кириш даври келганда, битта иссиқ, яъни, гармсел бўлади, ҳосилнинг кўп қисмини тушириб юборади. Шунингдек, гўза қандаласи, ўргимчаккана зараркунандалари ҳам муаммо бўлмоқда. Умуман олганда, бу ерда ўсимликларда учрайдиган деярли барча касаллик ва зараркунандаларни учратиш мумкин. Шунинг учун бу ҳудудда экин етиштириш бошқа ҳудудларга нисбатан бироз мураккаб.

— Биласизми, деҳқон ва фермерларнинг кўпчилиги стимулятор ва химикатлар ҳақида маълум тушунчага эга эмас, — дейди агроном Г. Холбаева. — Мана масалан, ҳар бир фермер ўзини қўллаётганини, стимуляторнинг аҳамиятини, нима учун ва қайси пайтда қўллаш кераклигини билиши керак. Тўғри, биз тавсия қиламиз, қанча миқдорда ва қачон ишлатиш кераклигини ҳам айтамиз. Бироқ кўпчилик кўпроқ ҳосил оламан дея меъёрини ошириб юбориши ёки вақтида қўлламаслик ҳолатлари кузатиляпти-да. Шунинг учун деҳқон ва фермерларни ҳам ўқув семинарларими ёки бошқа усул-

дами, ўргатиш керак деб ўйлайман. Умуман олганда, соҳага илмий ёндашув ниҳоятда муҳим эканлигини тушунтиришимиз, фермерларнинг маъласини ошириб боришимиз керак.

“Халқ ичида юрган, халқ дардини яхши билади” деганларидек, фермер ва деҳқонлар билан учрашиб, доим бирга ишлагандан сўнг уларнинг камчилиги, муаммоларини ҳам яхши тушунади-да. Шу боис агроном доимий равишда миришкорларга дала ўқув машғулоти, амалий семинарлар ўтказиб келмоқда. Албатта бу каби ишларда агрономнинг якка ўзи уддалаши қийин. Бу борада унга ҳокимлик вакиллари ҳам яқиндан кўмак бермоқда.

— Вилоят ҳокимлиги билан ҳам ҳамкорлигимиз яхши, — дейди агроном. — Мана яқинда ҳокимлик вакиллари билан фермер хўжаликлари далаларига бориб, гўза ривожланишини кўздан кечирдик. Айна кунларда гўзага қандай ишлов ўтказиш керак, қандай озиклантирувчи препаратлар бериш керак бунинг барчаси бўйича ўзимнинг тавсия ва маслаҳатларимни бердим. Компаниямизнинг биргаликда етиштирамиз деган шиори бор, албатта биз ҳам биргаликда етиштиришдан асло чарчамаймиз.

Эрали Норбеков, суҳбатлашди

IFO | СҮҮҚ
ОРГАНИК
ЎҒИТ
PDF Compressor Free Version
АМИНОМАХ | АМИНО КИСЛОТАЛИ
СҮҮҚ ОРГАНИК ЎҒИТ



Birgalikda yetishtiramiz!
Вырастим вместе!
We grow together!

Кафолатланган таркиби:

| | % |
|---|-------|
| Органик моддалар | 16% |
| Органик карбон | 10% |
| Умумий эркин аминокислота | 10,2% |
| Умумий гумин ва фульво кислоталар | 10% |
| Умумий азот | 0,5% |
| Умумий органик азот | 0,5% |
| Умумий сувда эрувчан калий (K ₂ O) | 1,5% |
| Умумий сувда эрувчан магний (MgO) | 0,6% |
| Сувда эрувчан марганец (Mn) | 0,1% |
| Сувда эрувчан молибден (Mo) | 0,1% |
| Сувда эрувчан Рух (Zn) | 0,14% |
| Ph | 4-6 |



IFO AMINOMAX ўғити нима мақсадда қўлланилади?

Аминокислоталар, гумин ва фульвик кислоталар билан бойитилган макро ва микро элементли суюқ органик ўғитдир. IFO AMINOMAX тупроққа қўлланилганда тупроқнинг микрофлорасини яхшилаш ҳисобига озуқалар тўпланишини осонлаштиради. Стресс ҳолатларида, улардан олдин ва кейин япроқдан пуркалганда олдини олувчи ва яхшиловчи таъсир кучига эга. Микроэлементлар билан биргаликда қўлланилганда, микроэлементларнинг ҳаракати ва ўзлаштирилишини таъминлайди. Мева чангланишини кўпайтириб, мева тўтишини ва сифатини оширади. Таркибидаги органик моддалар тупроқ унумдорлиги учун жуда самаралидир.

Қўлланилиши, сарф меъёри ва муддати:

| Экинлар | Япроққа пуркалганда | Томчилаб суғориш орқали |
|---|---------------------|-------------------------|
| Сабзавотлар (помидор, қалампир, бақлажон, бодринг, қовоқ) | 1.0-1.25 л/га | 3.0-3.75 л/га |
| Қулупнай | 1.0-1.25 л/га | 3.0-3.75 л/га |
| Мевали дарахтлар | 0.8-1.0 л/га | 2.25-2.5 л/га |
| Ўзум | 1.0-1.25 л/га | 3.0-3.75 л/га |
| Цитрус мевалар (лимон) | 0.8-1.0 л/га | 2.25-2.5 л/га |
| Ғўза, Маккажўхори, Кунгабоқар | 0.8-1.2 л/га | 4.0-6.0 л/га |
| Қартошка | 1.0-1.25 л/га | 3.0-3.75 л/га |
| Қиш савбзавотлари (Гул карам, брокколи, исмалоқ, карам ва бошқа.) | 0.8-1.0 л/га | 2.25-2.5 л/га |
| Манзарали экинлар | 0.8-1.0 л/га | 2.25-2.5 л/га |




PDF Compressor Free Version

ИССИҚХОНАДА ЭКИННИ ЭКИШДАН

ОЛДИН ВА ЭКИШ ВАҚТИДА ЭЪТИБОР ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ТАВСИЯЛАР

Иссиқхонада самарали ҳосил олиш тамойиллари:

Иссиқхонада тупроқни экишга тайёрлаш ва етиштирилган сифатли кўчат ҳосилдорликнинг ошишига ҳамда маҳсулотнинг сифатли бўлишига замин яратади.



Кўчат етиштиришда баъзи бир жиҳатларга, масалан, уруғни танлаш, экиладиган жойни ҳозирлаш, мос шароит яратиш муҳим ҳисобланади.

Уруғ танлангандан сўнг навнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда

уруғ экишга тайёрланади. Бунда турли аралашмалар билан тайёрланган уруғликнинг экиладиган жойи ҳам соғлом кўчат етиштириш учун муҳим аҳами-



ятга эга.


Уруғдан кўчат етиштиришнинг яна муҳим омиллардан бири бу вақтни тўғри танлай олишдир. Кўчатлар дала майдонига экиладиган вақтда тайёр

бўлиши керак. Бунинг ҳар битта минтақанинг иқлим шароитларини яхши билиш керак. Кўчатлар жуда озғин, кичик ва ортиқча ўсган бўлмаслиги



лозим.

Кўчат уруғ униб чиққандан сўнг 45–50 кун оралигида экишга тайёр бўлади. Бу ўртача вақт ҳисобланади. Баъзи уруғлар олдинроқ, баъзилари



PDF Compressor Free Version



эса кейинроқ униб чиқади. Кўчатнинг яхши униб ривожланиши учун етарлича иссиқлик керак бўлади. Иссиқлик даражаси паст жойларда кўчат униб чиқиши секин кечади.

Экиш учун тайёр бўлган кўчатларни яхши ривожланиб кетиши учун эътиборга олиш керак бўлган жиҳатлар бор. Масалан, кўчириб ўтказишдан олдин кўчатларни иқлим шароитига осон мослашиши, тез илдиз ёйиши ва турли касалликлардан ҳимоя қилиниши учун зарур препаратлар билан ишлов ўтказиш керак. Агар ишлов амалга оширилмаса, зарур ўғитни суғориш тизими орқали экиш пайтида берса ҳам бўлади. Шундан сўнг кўчатларни экиш мумкин. Экиш пайтида хатоликларга йўл қўйилса, ҳосилдорликка ва касалликка чидамликнинг пасайишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Экиш вақтида йўл қўйиш мумкин бўлган энг муҳим хато экиш усули ҳисобланади.

Расмда кўрсатилганидек, чуқур ёки юзаки экишдан қочиш керак. Уруғ ерга мослашгандан сўнг (7–10 кун) илдиз қисми тупроқ билан тўлдирилади.

Кўчат экилгандан сўнг навбатдаги жараёнларда ўсимлик учун зарур ўғитлар белгиланган тартибда ва меъёрда бериб борилади.

Ҳакан Накиш



БИЗ “ИФОДА”ГА МИЖОЗ ЭМАС, ҲАМКОР СИФАТИДА ҚАРАЙМИЗ



Ифода компанияси нафақат ишлаб чиқариш билан шуғулланади, балки, илмий изланишлар ҳам олиб боради. Компания ўзининг лабораториясига эга бўлиб, корхонада ишлаб чиқири-лаётган маҳсулотлар сифати шу ерда таъминланади. Лабораториянинг тажрибали мутахассислари хомашё мод-дасидан тортиб то тайёр маҳсулотга келгунича сифат назоратини амалга оширишади ва белгиланган норма-тив ҳужжатларга мослигини текшири-шади. Шунингдек, бу ерда бир қанча хорижлик мутахассислар фаолият юритишиб, ишлаб чиқариш самара-дорлигига муносиб ҳиссасини қўшиб келишмоқда. Шулардан бири Leonardo Toliyentидир. У Ифода компаниясининг италиялик тажрибали мутахассиси ҳи-собланади.

- “Ифода” билан ҳамкорликни бо-шлаганимизга бир неча йиллар бўлди,
- дейди мутахассис Leonardo Toliyenti.
- Ҳамкорликдаги асосий мақсадимиз

ишлаб чиқариш қуввати ва самара-дорлигини ошириш, тизимда иннова-цион техника ҳамда технологияларни жорий этишга қаратилган. Бунга эри-шиш учун, албатта, илмий тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим.

Бугунги кунда L.Toliyenti билан бир-галикда Ифода компаниясининг ил-мий-тадқиқот лабораториясида ин-новацион рецептларни тайёрлаш ва маҳсулот турларини кўпайтириш бўй-ича иш олиб борилмоқда. Албатта, бунда нафақат маҳсулотнинг сифати, балки, кимёвий ишлаб чиқариш жара-ёнида ишчи-ходимларнинг хавфсиз-лиги ҳам муҳим ҳисобланади.


– “Ифода” билан биргаликда дунёда машҳур ҳисобланган гербицид гели-фосаднинг рецептини тайёрладик, – дейди L. Toliyenti. – Маълумки, ушбу гербицидни ишлаб чиқариш унинг за-харлилик даражаси юқори бўлгани учун тўхтатилган. Ёки ўта катта миқ-

дорда тайёрланади. Аммо биз Ифода лабораторияси билан биргаликда унинг захарланиш миқдори кам бўл-ган рецептини ишлаб чиқдик. Ва шу та-риқа ишчи-ходимлар ва атроф-муҳитга етказиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олдик. Бир нарсани таъкид-лашни истардим – биз “Ифода”га ми-жоз сифатида эмас, балки, ҳамкор си-фатида қараймиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ла-боратория негизида илмий изланиш ва ривожланиш (Research & Development) бўлими ташкил этилган бўлиб, бу ерда хорижий тилларни чуқур ўзлаштир-ган, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган кўп йиллик тажрибага эга ма-лакали кадрлар фаолият юритишади. Асосий мақсад – нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки, хорижий давлатлар учун ҳам лаборатория синовларини таклиф этиш имкониятига эга бўлиш-дир.

PDF Compressor Free Version

БУҒДОЙДА ЎҒИТЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Буғдойни ўғитлаш амалиёти юқори даражада натижа бермоқда. Керакли агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўғри олиб бориш орқали ҳосилдорликни 40% дан 100% гача оширишга эришиш мумкин. Ўғитлашдан аввал иқлим шароити, ернинг мелиоратив ҳолати ва тупроқдаги органик модда ҳамда минерал ўғитлар миқдори яхшилаб ўрганилади ва шунга қараб мавсумий дастур тузилади.

Дастлабки босқичда униб чиқишини яхши ва тез бўлиши учун экишдан олдин буғдой уруғи ўғитланади. Бу ўсимликнинг ривожланишига жуда яхши таъсир кўрсатади. Чунки кузда экиладиган буғдой қишга бақувват, турли стресс ҳолатларга чидамли бўлиб кириши лозим. Шунинг учун уруғ зарур озуқа моддаларини вақтида олиб, тезроқ униб чиқиши керак. Баҳор фаслига чиқиб ўсимликда озуқага бўлган талаб тобора ортиб боради. Фақатгина бошоқ ҳосил бўлиш даврининг охирига келибгина озуқа моддаларга талаб бироз камайиши мумкин. Хуллас, ғалладан юқори ҳосил олмақчи бўлсангиз қуйидаги маълумотларни ён дафтарчангизга ёзиб олинг.

Шуни унутмаслик керакки, бошоқ ҳосил бўлиш жараёнида тупроқ ва ўсимлик орқали берилаётган ўғитнинг самарали олиб борилиши энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Тупроқ орқали ўғитлашда биринчи навбатда уруғни экиш вақтида дон тушадиган

жойнинг 5–7 см ўнг ёки чап томонига, шунингдек, 5–7 см остки қисмига берилиши керак. Бундан ташқари тупроқнинг кимёвий тузилишини ҳисобга олган ҳолда фосфор, азотнинг 1/3 ёки 1/5 қисмини бериш керак. Баъзи ҳолларда фосфорнинг айрим қисми тупроқда ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклга кириб қолиши мумкин. Бу пайтда қолган фосфорни барг орқали бериш талаб этилади.

Қолаверса, экинда етишмаётган бошқа озуқа моддаларини ҳам ўз вақтида ва сифатли берилиши юқори ҳосил учун муҳим саналади.

Ғалланинг униб чиқиш ва туплаш даврида барг орқали бериладиган ўғит илдиз тизимининг ривожланишига ва керакли озуқалар етишмовчилигининг олдини олишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу пайтда берилган микро элементлар ва аминокислота, руҳ қўлланилиши ҳосилдорликни оширади. Бундан ташқари фосфор ва руҳли моддалар ўсимликнинг тупланишига ва яхши илдиз отишига анча фойда беради. Ушбу дастурлар қиш мавсумида буғдойнинг ўсишини секинлаштиради ва қишни соғлом ўтказиш имконини беради.

Ўғитни барг орқали бериш ўсимликнинг касаллик ва зараркунандаларга қарши чидамлилигини ошириб, ҳосилдорликни ортишига ҳамда сифатли бўлишига кўмаклашади. Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, лалми буғдойларда азотли ўғитларни бир марта-

дан, суғориладиган ерларда эса, белгиланган азот қамида икки мартадан бериш лозим. Ўсимликнинг баргидан озиклантириш жараёни то бошоқлар ҳосил бўлиш давригача амалга оширилади.

Тупланиш жараёнидан гуллаш давригача калийли ўғитлар билан 1–2 марта қўллаш керак. Айниқса, дон ҳосил бўлиш давригача калийли ўғитлар билан ишлов ўтказилмаса ҳосилда жиддий йўқотишлар бўлиши мумкин. Бу пайтда ўсимликда иссиқлик ва сувга бўлган эҳтиёж ортади. Калийли ўғитлар эса, буғдойнинг стресс ҳолатга тушишининг олдини олади.

Гуллаш даврига келганида, буғдой учун керак бўлган барча озуқа моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилиши керак. Сабаби гуллаш давридан кейин ўсимликнинг ўзлаштириш кўрсаткичи минимумга тушган бўлади. Ҳосилдорлик ҳам шу даврда ўғитлаш натижасига кўра аниқланади.

Ғаллада ўз вақтида ва меъёрда амалга ошириладиган ўғитлаш дастури юқори ҳосилдорликнинг гаровидир. Шунинг учун миришкорлар бунга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Барча босқичлар тўғри ташкил этилса, деҳқон албатта, мўл ҳосилни йиғиб олади.

Юқсак хирмон кўтаришдан асло чарчаманг!

Ҳакан Накиш



ЗАМИНИМИЗ ШИФОКОРЛАРИ

Инсон иситма қилса, бирор аъзоси оғриси ёки бетоб бўлиб қолса дарров шифокорга мурожаат қилади. Шифокор эса, ўз навбатида унга керакли муолажа ёки бирор дори рецептини ёзиб беради. Худди шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ана шундай табиблар борки, бугун дастурхонимизнинг тўкин, бозорларимиз мўл-кўл бўлиши, иқтисодиётимизнинг тараққий этишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар агрономлар — заминимиз шифокорлари.

Ифода компаниясида бундай инсонлар талайгина. Шулардан икки нафари бугун Наманган вилоятида бир неча йиллардан бери фермер ва деҳқонларга фаол хизмат кўрсатиб, нафақат ҳосилдорлик, балки, уларнинг даромадларини ҳам оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Танишинг, Отабек Қудратов ва Орифжон Бозоров.

Отабек ака табиатан камтар, содда, гапни эмас, ишни кўп қиладиган инсон. Қарийб 28 йилдан бери қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва парваришlashда катта тажриба ортирган. Ифода компаниясида 2017 йилдан бери самарали ишлаб келмоқда. Орифжон ака ҳам худди шун

дай меҳнатдан таб тортмайдиган, ҳар қайси вақтда мурожаат қилган фермерларга холис хизмат кўрсатадиган тажрибали агроном. У 20 йилдан бери шу соҳа ичида.

— Вилоятимизда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган 11 та туман бўлса, деярли барча туманлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатамиз, — дейди О. Қудратов. — Шунингдек, ҳудудимизда мавжуд 5та кластер билан ҳам ҳамкорлик қилишга эришдик. Имкон қадар ҳар битта фермерга сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Биз билан доимий ҳамкорлик қилиб, барча агротехникаларини бамаслаҳат ўтказган хўжаликлар ҳосилдорлигини ошириб келмоқда. Масалан, бу мавсумда ғалладан 100 центнер атрофида бугдой олганлар кўп бўлди.

Айтиш керакки, ҳудуддаги “Мироншоҳ” ф/х, “Умрзаков Жаҳонгир” ф/х, “Акрамжон Маматов” ф/х, “Ботиржон Бобурбек” ф/х, “Замин” ф/х, “Улуғбек” ф/х лари 90–100 центнердан ва яна бошқа кўплаб хўжаликлар 70–80 центнердан хирмон кўтаришди. Энди эса, пахтадан юқори ҳосил олиш учун биргаликда ҳаракат қилишмоқда. Албатта бу ердаги деҳқонларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Асо-

сий муаммо баъзи жойларда, масалан, Косонсой, Чуст, Уйчи каби туманларларда сув танқислиги мавжуд. Бу ҳосилдорликнинг камайишига ўз таъсирини кўрсатади.

